

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

17. Соколова Ж.Е. Развитие мирового рынка продукции органического сельского хозяйства //Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва-2013.
18. Цветков И.А. Повышение качества и конкурентоспособности аграрной продукции на основе эколого-инновационной деятельности: на материалах Тульской области: дисс. к.э.н.: 08.00.05 / И.А. Цветков. - Москва, 2007. - 183 с.
19. The IFOAM Norms for Organic Production and Processing: corrected version 2009 [Electronic source]. - URL: [http://www.ifoam.org/about\\_ifoam/standards/norms.html](http://www.ifoam.org/about_ifoam/standards/norms.html) (date of treatment: 20.10.2010).
20. Council Regulation (EC) No 8 34/2007 of 28 June 2007 on organic production and labeling of organic products and repealing Regulation (EEC) No 2092/91 // Official Journal of the European Union. - 20.07.2007.
21. Balfour E.B. The Living Soil / E.B. Balfour. - London: Faber and Faber LTD, 1948. - 223 p.
22. King F.H. Farmers of forty centuries or permanent agriculture in China, Korea and Japan. - Emmaus(Pa.): Rodale press Cop., 1911. - 441 p.
23. Howard A. An Agricultural Testament. - London: Oxford university press, 1940. -253 p.
24. Northbourne L. Look to the Land. - NY: Sophia Perennis, 2003. -114 p.
25. Nieberg H., Kuhnert H., Sanders J. Förderung des ökologischen Landbaus in Deutschland - Stand, Entwicklung und internationale Perspektive / Johann Heinrich von Thünen-Institut Bundesforschungsinstitut für Ländliche Räume, Wald und Fischerei (vTI). Iss. 347, 2011. - 358 p.
26. Organic agriculture, environment and food security. Environment and Natural Resources Series № 4. - Rome: Food and Agriculture Organization of the United Nations, 2002. - 258 pp.
27. Sanders J. Economic impact of agricultural liberalisation policies on organic farming in Switzerland: PhD thesis, Aberystwyth University, 2007.
28. The World of Organic Agriculture: Statistics and Emerging Trends 2021 //Research Institute of Organic Agriculture FiBL IFOAM - Organics International. Edited by Helga Willer, Jan Trávníček, Claudia Meier and Bernhard Schlatter. <http://www.organic-world.net/yearbook/yearbook-2021.html>.
29. <https://www.agroxxi.ru/stati/mirovoi-rynok-organicheskikh-produktov-prodolzhaet-rasti.html>

## ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚҰЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ-ПАРРАНДАЧИЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

**Бобомуратов Имомқұл Исламович -**  
Термиз давлат университети катта ўқытувчысы

**Аннотация.** Мақолада паррандачиликни ривожлантиришида давлат томонидан құллаб-қувватлашнинг зарурияты, давлат томонидан құллаб қувватлаш үйлары, ақолининг паррандачилик маңсулоларига бўлган эҳтиёжи, соҳадаги озиқ-овқат хавфсизлиги, ақолининг турмуш даражасини ошириш, давлатнинг соҳа ривожи учун имкониятлари ва уларни амалга ошириш хусусиятлари баён қилинади.

**Таянч сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, давлат томонидан құллаб-қувватлаш, иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш, паррандачилик, субсидия, лизинг тизими, имтиёзли кредитлаш, аҳоли турмуш даражаси, инвестиция.

## ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОДДЕРЖКА КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПТИЦЕВОДСТВА

**Бобомуратов Имамқұл Исламович -**  
Старший учитель Термезского государственного университета

**Аннотация.** В статье описаны необходимость государственной поддержки в развитии птицеводства, способы государственной поддержки, потребность населения в продукции птицеводства, продовольственная безопасность в отрасли, повышение уровня жизни населения, возможности государства для развития и ее реализации.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, продовольственная безопасность, государственная поддержка, стимулы для экономического развития, птицеводство, субсидии, система лизинга, льготные кредиты, уровень жизни, инвестиции.

## GOVERNMENT SUPPORT AS A FACTOR TO INCREASE THE EFFICIENCY OF POULTRY

**Bobomuratov Imamkul Islamovich -**  
Senior teacher of Termez State University

**Annotation.** The article describes the need for state support in the development of poultry, ways of state support, the population's demand for poultry products, food security in the industry, improving the living standards of the population, the state's opportunities for development and its implementation.

**Key words.** agriculture, food security, government support, economic development incentives, poultry, subsidies, leasing system, soft loans, living standards, investment.

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТІСОДИЁТИ

**Кириш.** Паррандачилик - чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, у ахолини парҳез озиқ-овқат маҳсулотлари (тухум ва парранда гўшти), саноатни хом ашё (пат, пар, ем, озуқа) билан таъминлайди. Шунингдек парранда гўнги қишлоқ хўжалиги экинларини етишириш учун қимматли органик ўғит ҳисобланади. Паррандачилик тармоғи уни ташкил қилишда кам харажат талаб этадиган, бозор шароитларiga мосланувчан, харажатлари тезлик билан қопланувчи тармоқ бўлиб, ахолининг турмуш дарајасини яхшилашда муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги шароитда паррандачилик тармоғини ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг гарови сифатида қаралиши лозим. Шунинг учун давлатнинг ушбу секторни тартибга солишида бозор иқтисодиёти қонунларини бузмайди, балки унинг рақобат-бардошлигини янада оширади. Давлат ушбу соҳани қўллаб қувватлашда бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти томонидан ишлаб чиқилган воситаларни паррандачиликнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўллаши лозим бўлади.

Мамлакатимизда тухумга бўлган эҳтиёж асосан маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига қондирилади. Яъни, 80 % маҳсулот ички бозор ва 20 % маҳсулот ташки бозор учун чиқарилади. Парранда гўшти ишлаб чиқариш даражаси ҳозирги кунда импортга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Вилоят аҳолисини парранда гўшти билан таъминлаш ҳажми атиги 14 %ни ташкил этади. Бу эса ахолини парранда гўшти билан таъминлаш учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларидан ва хориждан олиб келинишига олиб келади.

Шундай қилиб, паррандачилик соҳасини инқироз ҳолатидан чиқариш ва уни янада жадал ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-куватлашисиз амалга ошириб бўлмайди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ч. Муродовнинг илмий тадқиқот ишида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожланишининг инновацион йўлга изчил ўтказиш асосида уни барқарор иқтисодий юксалтириш, ушбу стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоғини замон талабларига жавоб берадиган сифат жиҳатдан янги техник - технологик асосда ривожлантириш тўғрисида фикр билдирилган[1]. Яна бир олим Н.Хушматовнинг илмий тадқиқот ишида паррандачилик тармоғини ривожлантиришнинг инновацион бошқаруви шу билан бирга ҳозирги вақтда иқтисодиётни модернизация қилиш ва уни ривожланишининг инновацион йўлига ўтказиш вазифаларини ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур тармоқдаги инновацион фаолиятни фаоллаштириш соҳаси-

даги қўплаб муаммо ва масалаларни ҳал этиш йўллари тўғрисида фикр билдирилган [2].

Т.Х.Фармоновнинг илмий тадқиқот ишида аграр секторни ривожланишининг инновацион йўлига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигини бошқариш самарали тизимини шакллантиришнинг бошқарувга нисбатан институционал ва синергетик ёндашувларни уйғунлаштирган, бошқарувнинг мураккаб обьекти сифатида агроиктисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, бошқарувнинг асосий методологияк тамойилларига асосланган, қўпроқ мослаштириш йўли билан бошқариш моделларини кўллашга йўналтирилган [3].

Қ.А.Чориевнинг илмий тадқиқот ишида эса қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, дехқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш аграр секторнинг ривожланишини инновацион бошқаруви самарадорлиги бўйича фикр билдирилган [4].

Шунингдек Р.Х.Эргашевнинг илмий тадқиқот ишида аграр секторни инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий ислоҳотлар натижасида қишлоқ хўжалиги юритишнинг эркин бозор шаклларига ўтиш ва мустақил товар ишлаб чиқариш механизмини оширишга қаратилган [5].

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқот давомида мақолада анализ, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили, паррандачилик маҳсулотлари етишириш даражасини ҳисоблаш индикаторларидан самарали фойдаланилган. Тадқиқотимизда, қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга харакат қилинган. Муаммонинг ечимига олиб борувчи асосий йўналишлар белгиланган. Тадқиқот обьекти сифатида паррандачилик маҳсулотларини етишириш ва соҳа ривожи учун таклифлар берилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Бозор ислоҳотлари вилоятлар аграсаноат комплекслари, жумладан, паррандачиликни ривожлантиришда сезиларли даражада ўзгартирди. Аксарият паррандачилик фермалари янги шароитларда ишлашга мослаша олмаяпти, ишлаб чиқариш ҳажмларини қисқартирумокда ва баъзи корхоналар ҳатто ўз фаолиятини тўхтатди.

Тадқиқотлардан маълумки, паррандачилик тармоғининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий сабаблар қўйидагилар:

1) паррандачилик хўжаликлари учун озуқа ва озуқа қўшимчалари, технологик ускуналар, электр энергияси нархларининг йиллик ўсиши, паррандачилик маҳсулотлари нархларидан анча тез ўсмоқда. Натижада паррандачилик маҳсулотларининг сотиш нархи унинг ишлаб чиқариш харажатларини қоплай олмайди. Бу-

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

гунги кунда 1 кг тирик вазни ишлаб чиқариш учун 1,4 кг озуқа талаб қилинаётган бўлса, бу соҳа селекционерлари бу нисбатни 1:1 нисбатга олиб келиш имкони мавжудлигини таъкидламоқда. Сурхондарё вилоятида 1 кг парранда гўшти ишлаб чиқариш учун тахминан 1,8 - 2,2 кг атрофида озуқа талаб қилинмоқда. Шунинг учун ушбу ҳудуд парранда гўшти нархи энг қиммат ҳудудлардан саналади;

2) Ўтган даврларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажмининг кескин қисқариб бориши ва кредит ресурсларининг қимматлашуви, паррандачилик тармоғи ишлаб чиқариш салоҳиятининг тушишига олиб келди;

3) паррандачилик маҳсулотларини назоратсиз импорт қилишга олиб келувчи номукаммал божхона сиёсати. Бу паррандачилик маҳсулотларининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари, шунингдек, парранда маҳсулоти нархига таъсир этиб, ички бозорнинг паррандачилик маҳсулотлари билан тўйинишига салбий таъсир кўрсатди;

4) инвестицион фаолиятини ва тармоқ ривожланишини тартибга солувчи мутадил

норматив-хуқуқий базанинг йўқлиги сабабли бу соҳанинг жозибадорлигининг йўқолиши;

5) лизинг, солиқ ва кредит тизимларининг номутаносиблиги.

1-жадвал маълумотларида Сурхондарё вилоятида тухум ишлаб чиқариш ҳажми паррандалар сонининг ошиши ҳисобига кўпайиб борганинги кўришимиз мумкин. Вилоятда тухум ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилда 2013 йилга нисбатан 2,4 баравар, 2017 йилга нисбатан 1,5 баравар ўсан. Тухум ишлаб чиқаришда уй хўжаликлари 2013 йилда 69 фоиз улушга эга бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич пасайиб 42,6 фоизни ташкил қилган. Ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналарининг улуши 29 фоиздан 42,6 фоизга етган, фермер хўжаликларининг улуши ҳам кўпайган.

Таҳлил қилинаётган даврларда парранда гўшти ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилдан 2017 йилгача доимий кўпайиб борган. 2018 ва 2019 йилларда эса парранда гўшти ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетган. Яъни 2019 йилда 2013 йилга нисбатан 33 фоиз, 2017 йилга нисбатан эса 52 фоизга камайиб кетган.

### 1-жадвал

#### Сурхондарё вилоятида паррандачилик маҳсулотларини етиштириш кўрсаткичлари [6]

Паррандачилик маҳсулотлари	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
<b>Тухум минг дона</b>	<b>214992</b>	<b>239480</b>	<b>273188</b>	<b>311780</b>	<b>334002</b>	<b>463757</b>	<b>513003</b>
<i>Шу жумладан</i>							
Фермер хўжаликлари	4266	4777	12578	13740	30500	96518	75952
Уй хўжаликларида	148724	168884	187227	212263	218004	243209	218330
Қишлоқ хўжалик корхоналарида	62002	65819	73383	85777	85498	124030	218721
<b>Парранда гўшти т.</b>	<b>2448</b>	<b>2525</b>	<b>2669</b>	<b>2707</b>	<b>2756</b>	<b>2539</b>	<b>1605</b>
<i>Шу жумладан</i>							
Фермер хўжаликлари	48	49	58	74	12	69	64
Уй хўжаликларида	2260	2331	2496	2552	2392	2188	1253
Қишлоқ хўжалик корхоналарида	140	145	115	81	352	282	288

**Манба:** Сурхондарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари.

Парранда гўшти етиштириш вилоятда асосан аҳоли хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Бу тоифа хўжаликларининг улуши 2013 йилда 92,3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда унинг парранда гўшти ҳажмининг камайиши ҳисобига 78 фоизни ташкил қилган. Бу даврда фермер хўжаликлари ва ихтисослашган қишлоқ хўжалик корхоналарининг улуши ошган.

Паррандачилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб қувватланиши аввало, унинг фаолият қилишига шарт-шароитлар яратиб берувчи меъёрий хуқуқий асосларнинг яратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги даврларда паррандачилик фаолиятини янада ривожлантириш ва уни қўллаб қувватлаш бўйича меъёрий-хуқуқий асослар яратилди. Хусусан, 2017 йил 16 марта даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Чорвачилиқда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-2841-сонли Қарори, 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3318-сонли Қарори, “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4243-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони, 2018 йил 13 ноябрдаги “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4015-сонли Қарори, Ўзбекистон

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТІСОДИЁТИ

Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4576-сонли, 2021 йил 3 мартағи “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-куватлашнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5017 сонли Қарорларини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу хужжатларда паррандачилик фаолияти билан шуғулланиш учун мулкчилик ва бошқарув шаклидан қаътий назар барча фаолият турлари учун тенг шарт шароитлар яратиб берилган[7].


Иқтисодиётнинг реал секторини давлат томонидан қўллаб-куватлаш турли йўллар билан амалга оширилади:

- бевосита молиявий ёрдам кўрсатиш;
- солиқ имтиёзлари бериш;

- инвестицияларни қўллаб-куватлаш;
- нарх-наво сиёсати;
- божхона сиёсати ва бошқалар[8].

Сурхондарё вилоятида паррандачилик тармоғининг жадал ривожланиши учун паррандачилик хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-куватлаш ҳажмини янада ошириш зарур. Шу билан бирга, паррандачилик хўжаликларининг инқироз ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг энг самарали шакли сотилган маҳсулотларига бевосита субсидиялар ажратишидир.

Кўпгина олимлар ва мутахассислар аграр секторни давлат томонидан қўллаб қувватлашда катта эътибор бермоқда. 1-расмда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари давлат томонидан молиявий қўллаб қувватлашнинг шакллари тасвиранган.



**1-расм. Давлат томонидан қўллаб қувватлаш шакллари[9]**

Давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг биринчи шакли моддий техник ресурслар ва ишлаб чиқаришга, қисқа ва узоқ муддатли кредитлашга, сұғурта харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш ва капитал харажатларни субсидиялар ажратиши билан характерланади.

Давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг билвосита шакли ўз таркибида давлат эҳтиёжлари учун озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини харид қилиш, интервенция воситасида агро-озиқ-овқат бозорини тартибга солиш, иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш, ташкии иқтисодий фаолиятни амалга ошириш маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб қувватлашни ўз ичига олади.

Республика даражасида воситали қўллаб қувватлаш шакли аграр фаолиятни юритиш учун қулай ташкилий иқтисодий шарт шароитларни таъминлашга қаратилган чора тадбирлар тизимини ифодалайди.

Улар ўз таркибида барча даражадаги бюджетларга, бюджетдан ташқари фонdlарга тўловлар бўйича, турли моддий техник ресурсларни етказиб берувчиларга қарздорликни қайта кўриб чиқиш, қишлоқ хўжалик фанларини қўллаб қувватлаш, турли йирик корхона ва холдинглар устав капиталини тўлдириш бўйича тадбирлар киритилади.

Давлат томонидан қўллаб-куватлаш шакли, ташкилий иқтисодий характердаги агросиёсат билан чамбарчас боғланган, давлат ва

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

маҳаллий бюджетлар маблағлари сарфи талаб этилмайдиган воситали қўллаб-қувватлаш шаклидир. Қўллаб-қувватлашнинг бу шакли баҳо ва таърифларни, импорт ва экспортни тартибга соилиш, тармоқ манфаати йўлида турли имтиёзлар ва чеклашларни ўрнатиш орқали амалга оширилади.

Сотилган маҳсулотларнинг бир бирлигига ажратиладиган субсидиялар миқдори ишлаб чиқариш рентабеллигининг режалаштирилган даражаси асосида аниқланиши керак. Шу билан бирга, ҳар бир кейинги йилда паррандачилик фермаси режалаштирилган рентабеллик даражасига қараб субсидия олади. Бундай қўшимча механизм республиканинг паррандачилик фермалари самарали фаолият юритиш, ўз-ўзини молиялаштириш ва ўз-ўзини таъминлашнинг янги даражасига чиқмагунча талаб қилинади.

Сурхондарё вилоятида паррандачилик тармоғининг жадал ривожланиши учун паррандачилик хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажмини янада ошириш зарур. Шу билан бирга, паррандачилик хўжаликларининг инқироз ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг энг самарали шакли сотилган маҳсулотларига бевосита субсидиялар ажратишидир.

2020-2022 йиллар мобайнида “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликларига ҳар бир бош 1 кунлик насли жўжкани импорт қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 9 минг сўмини қоплаш учун давлат томонидан субсидия ажратилади[10].

2022 йил 1 январга қадар “Паррандасаноат” уюшмаси таркибидаги паррандачилик корхоналарига ўзи ишлаб чиқарган тухум ва гўшт маҳсулотларини экспорт қилишда, насли инкубацион тухум ва бир кунлик жўжаларни, вакцина, ветеринария дори воситаларини импорт қилишда, истисно тариқасида, амалдаги ҳаво транспортида ташиш тарифларига нисбатан 20 фоизлик чегирма берилмоқда.

“Паррандасаноат” уюшмаси таркибидаги паррандачилик ва ем ишлаб чиқарувчи корхоналарига 2022 йил 1 январга қадар ўз эҳтиёжи учун мақсадли равища озуқа компонентлари ва қўшимчаларини МДҲ темир йўллари тариф сиёсатининг 35 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегирма берилмоқда.

Паррандачилик корхоналари томонидан тухум, парранда гўшти ва маҳсулотларини экспорт қилганда, темир йўл харажатларининг 50 фоизини давлат бюджетидан компенсация қилиб берилади.

Товарлар (жумладан, паррандачилик маҳсулотлари) комиссionер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида ҳисобот даври якуни бўйича тайёр маҳсу-

лот экспорти улуши 50 фоиздан юқори бўлган юридик шахсларга уларнинг аризаларига кўра экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё (озуқа), бутловчи буюмлар ва материаллар импортида кўшилган қиймат солиги тўлашни божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб 120 кунга кечикириш имконияти берилади [10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сонли Фармонига асосан парранда гўштини экспорт қилишга, 2019 йил 18 мартағи ПҚ-4243-сонли Қарорига асосан 1 апрелдан бошлаб бир кунлик жўжкани экспорт қилишга, 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сонли Қарорга асосан тирик товуқлар ва уларни сўйиб ишланган маҳсулотларини экспорт қилишга руҳсат берилган.

Паррандачилик соҳасида лизингга етказиб берилган асбоб-ускуналар учун тўлов сифатида паррандачилик хўжаликларига паррандачилик маҳсулотларини белгиланган нархларда, кейинчалик уни бюджет ташкилотларига сотиш учун тўлаш имконияти берилиши керак. Лизинг тизимини такомиллаштириш кредит берувчи тижорат банклари билан биргаликда амалга ошириш лозим. Бу ҳолда, паррандачилик корхоналари ускуналар ва уларни сотиб олиш учун имтиёзли кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Наслчилик йўналишидаги паррандачилик корхоналари, бойитилган ем ишлаб чиқарувчи, ем қўшимчалари ишлаб чиқарувчи ва ветеринария вакциналари ва препаратлари ишлаб чиқарувчи корхоналар четдан турли технологиялар, асбоб-ускуна ва жиҳозларни, турли қўшимча ва ёрдамчи қисмларни импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Кредит механизмини такомиллаштириш зарур. Бугунги кунда ушбу соҳада узоқ муддатли кредитлашни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий муаммо шундаки, паррандачилик корхоналари юқори ликвидли кредитни тақдим эта олмайди. Хўжалик бинолари, техника ва паррандачилик хўжаликларининг бошқа мулки етарли бозор нархига ва зарур ликвидликка эга эмас.

Паррандачилик ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ҳамда кредитлар бўйича имтиёзлар фоиз ставкаси бўйича тўловларнинг 50 фоизгача қисми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилмоқда[11].

Паррандалар учун ажратилаётган кредитлар 22%ни (шундан 10 %ини Вазирлар Маҳка-

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

маси хузуридаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қопланади) ҳамда кредитни қайтариш муддатлари жуда қисқа қилиб белгиланган. 1,5-2 йил (ускуналар учун 5-6 йил) товуқ тухум бериш вақтигача яъни 140-150 кунгача боқиш, озиқлантириш учун кетадиган маблағларни қоплашга кредитдан фойдаланмасдан, кредитни қайтаришга тўғри келади.

Агар тухум йўналишидаги паррандачилик фабрикаси бошидан қурилса 4-5 йилда, гўшт йўналишидаги фабрика қурилса 2-2,5 йилда фойдага киришини ҳисобга олсан, берилаётган кредит муддатлари паррандачиликни ривожлантириш учун камлик қиласди.

Шундай қилиб, самарали лизинг тизими ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлар билан биргаликда тўғридан-тўғри субсидиялар паррандачиликнинг самарадорлигини ва минтақанинг озиқ-овқат таъминоти даражасини оширишни таъминлайди.

Республикада паррандачиликни ривожлантиришда энг муҳим чекловлар қаторида аҳолининг паст тўлов қобилиятига эга талабини келтириш мумкин. Бунинг учун маҳаллий паррандачилик бозорини минтақавий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш зарур. Аҳолининг кам таъминланган қатламларига ижтимоий ёрдам қўрсатиш орқали маҳаллий паррандачилик маҳсулотлари бозорининг ўсиши паррандачилик корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг муҳим чораларидан бири бўлиши лозим. Бунинг учун аҳолининг кам таъминланган гурӯҳларига маҳсус дўконлар орқали паррандачилик маҳсулотларини сотиб олиш учун ижтимоий карталарни амалга киритиш керак. Бу нархларни бозор усуллари ёрдамида тартибига солиш ва кафолат талабини қўллаб-қувватлаш учун давлат буюртмаси орқали амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга, давлат икки

томонлама муаммоларни ҳал қиласди – аҳоли даромадларининг минимал ўсиши билан паррандачилик маҳсулотларини кўпайтиришни таъминлайди, нархларнинг кескин ошишига йўл қўймайди ва ишлаб чиқариши ривожлантиришни молиялаштириш учун корхоналарга рентабелликни оширишни таъминлайди.

**Хулоса ва таклифлар.** Шундай қилиб, паррандачилик маҳсулотларини мақсадли давлат томонидан қўллаб-қувватланиши паррандачилик соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий, молиявий, моддий, ижтимоий-иктисодий ва ҳуқуқий тартибига солиш бўйича чора-тадбирлар тизимини қамраб олиши керак.

Давлатнинг молиявий қўллаб қувватлаши ёрдамида паррандачилиқда қуйидаги натижаларга эришишимиз мумкин:

1. Берилган имтиёзлар ва субсидиялар натижасида паррандачилик маҳсулотлари ҳажми кўпайиб, нафақат ички бозорни ташқи бозорга ҳам экспорт қилиш имкониятлари кўпаяди;

2. Паррандачили маҳсулотнинг кўпайиши натижасида унинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши ортиб боради.

3. Берилган имтиёзлар ва паррандачилик хўжаликларига парранда сонига мувофиқ экин майдонларининг ажратиб берилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархининг арzonлашувига ва хўжаликларнинг молиявий ҳолатининг яхшиланишига олиб келади;

4. Аҳоли хўжаликларининг паррандалар билан таъминланиши, аҳоли даромадларининг ўсишиш ва бандликнинг таъминланишига олиб келади. Бунда парранда парвариши бўйича ўкув курслари ва услубий қўрсатмалар билан таъминланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

5. Паррандачилик хўжаликларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси яхшиланади. Тармоқнинг нуфузи ошиб мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятининг юксалишига олиб келади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муродов Ч. Қишлоқда бозор инфратузилмаси асосларини шакллантириш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 1999. - № 3. 2 – 4 б.
2. Ҳушматов Н., Файзуллаева Т. "Қишлоқ хўжалигига хизмат қўрсатиш тармоқлари ва фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари" // Экономика и класс собственников. – Тошкент, 2004. №1. – 46 б.
3. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: "Янги аср авлоди", - 2004. – 30 б.
4. Чориев Қ.А. Бозор инфратузилмасини шакллантириш – иқтисодий ислоҳотлар чуқурлаштириш гарови// Бозор ислоҳотлари чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантириши: Республика иммий – амалий семинар маъruzалар тўплами. – Тошкент: ЎЗБИТИ, 1998. – Б.15.
5. Эргашев Р.Х., Ҳамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма, -Т.: Янги авлод, 2012 – 332 бет.
6. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
7. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
8. Стадник А.Т., Матвеев Д.М., Меняйкин Д.В. Зарубежный опыт государственной поддержки сельского хозяйства Вестник КрасГАУ. 2014. №10
9. Коокуева В.В., Эрднеева Б.Ю. Актуальные вопросы государственной поддержки сельских территорий и сельского хозяйства // Молодой ученый. - 2014. - №19. - С. 309.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги "Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4576-сон Қарори
11. 2018 йил 13 ноябрдаги "Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4015-сон қарори

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТІСОДИЁТИ

12. "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва құллаб-қувватлаш чора-тадбирлари түғрисида"ғи ПҚ-4243-сон қароры
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартағи "Чорвачилик тармоқтарини давлат томонидан янада құллаб-қувватлашынг құшымча чора-тадбирлари түғрисида"ғи ПҚ-5017 сонлы Қарори
14. Ашурметова Нигора Азатбековна. Современное состояние и стратегия развития аграрного сектора республики Узбекистан. Экономические науки № 2(42) 2020
15. Кисляков А.Н. Вектор государственной поддержки промышленного птицеводства Российской Федерации. «МОЛОДОЙ УЧЕНЫЙ №2(22), 2019
16. Коокуева В.В., Эрдниева Б.Ю. Актуальные вопросы государственной поддержки сельских территорий и сельского хозяйства // Молодой ученый. - 2014. - №19. - С. 309.
17. Marine Kholodova, Mikhail Kabanenko, Kushnarenko Tatiana, and Lyudmila Dubrova. Specifics of agricultural sector state support: domestic and foreign experience E3S Web of Conferences 175, 13005 (2020) INTERAGROMASH 2020
18. Чумакова М.К. Государственная поддержка как фактор повышения эффективности птицеводства Российской предпринимательство, 2010, № 3 (2)
19. Хатамов О., Бобомуратов И. Паррандачиликни ривожлантиришнинг ҳудудий иқтисодий статистик таҳлили. Агроиқтисодиёт.илмий амалий агроиқтисодий жүрнал. 4(14)2019.

### СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СОҲАСИДА ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ВА ЭКСПЕРТИЗА ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Мирзаев Абдулла Курбанович -**  
Термиз давлат университети доценти

**Аннотация.** Мамлакатда суғориладиган ерлардан фойдаланишининг иқтисодий-экологик самарадорлигини оширишда техник, технологик, иқтисодий омиллар билан табиаттың мұхофаза қилишини назорат қылувчи ташкилотлари ҳам мұхит роль үйнайды. Шу сабабли мазкур мақолада Суғориладиган ҳудудларда экологик назорат ва экологик экспертиза ташкилоттарининг фаолияттуну такомиллаштириши масалалари күриб чиқылган.

**Таянч иборалар:** экология, иқтисод, фойдаланиш, самарадорлик, назорат, экспертиза, табиат, атроф-мұхит, ташкилот, суғориладиган ер, сув, фаолият.

### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНИЗАЦИЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО КОНТРОЛЯ И ЭКСПЕРТИЗЫ В ОБЛАСТИ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ОРОШАЕМЫМИ ЗЕМЛЯМИ

**Мирзаев Абдулла Курбанович -**  
Доцент Термезского государственного университета

**Аннотация.** Для повышения экономико-экологической эффективности использования орошаемых земель в наряду технических, технологических и экономических факторов, немаловажную роль играет организации, осуществляющие контроль проводимых природы охранных мероприятий. Исходя из этих в данной работе рассмотрены вопросы совершенствования деятельности организаций экологического контроля и экологический экспертизы.

**Ключевые слова:** экология, экономика, использование, эффективность, контрол, экспертиза, природа, окружающая среда, организация, орошаемых земель, вода, деятельность.

### IMPROVING THE ACTIVITIES OF ENVIRONMENTAL CONTROL AND EXPERTISE ORGANIZATIONS IN THE FIELD OF EFFECTIVE MANAGEMENT OF IRRIGATED LANDS

**Mirzaev Abdulla Kurbanovich -**  
Associate Professor of Termez State University

**Annotation.** To increase the economic and environmental efficiency of the effective use of irrigated land in addition to technical, technological and economic factors, an important role is played by organizations that monitor the nature of protective measures. Proceeding from these in this work the questions of improvement of activity of the organizations of ecological control and ecological expertise are considered.

**Keywords:** ecology, economy, use, effectiveness, control, expertise, nature, environment, organization, irrigated lands, water, activity.

**Кириш.** Табиий шароитлар ва техноген жараёнлардан келиб чиқадиган экологик вазият суғориладиган ерлардан фойдаланиш тизимлари самарадорлигига таъсир қиласынан салбий омиллар бўлиб ҳисобланади. Ҳар доим фан-техника ва технологиялар ривожланиши, инсоннинг табиат билан ҳамоҳанглиқда беками

кўсту фаолияттуни яратиш ва таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Аҳоли йилдан - йилга кўпайиб бормоқда, бу эса суғориладиган ерларга талабни янада ошириб келмоқда. Суғориладиган зоналарда экологик назорат ва экспертиза натижасида куйидаги муаммоларни қайд этиб ўтиш лозим: